



МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРНИ САҚЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Мева ва сабзавотларни куз ва қиш
ойларида сақлаш билан
томорқачиларимиз қуйидаги
натижаларга эришадилар:*

- 1. Ўз оила аъзоларини кузги ва
қишки мавсумда узлуксиз мева
ва сабзавотлар билан
таъминлаш;*
- 2. Кузги ва қишки мавсумда
истеъмол бозорига мева ва
сабзавот маҳсулотларини
етказиб бериш;*
- 3. Оила даромадини ошириш.*



**100070, Ўзбекистон, Тошкент ш.,
Усмон Носир 1-гор кўча, 5-уй.**

Тел.: +998 (71) 150-02-02
Факс: +998 (71) 361-45-48

**160136. Ўзбекистон, Наманган ш.,
Хуррияткўчаси, 22-уй.**

Тел.: +998 (69) 226-31-75
Факс: +998 (73) 226-29-70

**712000. Ўзбекистон, Фарғона ш.,
А. Навоий кўчаси, 17-уй.**

Тел.: +998 (73) 224-54-62
+998 (73) 224-54-67
Факс: +998 (73) 224-54-14

**170119, Ўзбекистон, Андижон ш.,
Бобур кўчаси, 24-уй.**

Tel: +998 (74) 235-50-32
Fax: +998 (74) 235-50-09

Меваларни маҳаллий усулларда сақлаш бўйича баъзи тавсиялар



Олма мевасини сақлаш.

Олманинг сақлашга чидамлилиги уни пишиб етилиш хусусияти билан аниқланади. Олманинг эрта пишар навлари кам муддат, кечки навлари эса 7-8 ойгача сақланиши мумкин. Олма сақлаш учун одатда яшиқларга жойлаштирилади. Бунда олма қоғозга ўралса яхшироқ сақланади. Олма яшиқларга жойлаштирилганда улар орасига қоғоз ёки қиринди солинса ҳам бўлади.

Яшиқлар оморга девор томондан 25-30 сантиметр, яшиқлар орасида икки метрли йўл қолдирилиб жойлаштирилади. Бир тахтада 7-8 та яшиқ бўлади. Энг юқоридаги яшиқ билан омор шипининг орасида 50-60 сантиметр жой қолиши керак.



Олмани сақлашда ҳавонинг нисбий намлиги 85-95 % бўлиши мақбул ҳисобланади.

Омборхонани совутишга ҳавони сақлаш ҳароратига етгунча жадал аралаштириб туриш орқали эришилади. Бунда тахлар орасида ҳаво оқимининг тезлиги 0,2-0,3 метр/секунд бўлиши тавсия қилинади.

Олмани сақлашдан олдин улар махсус бўлинмаларда сақланади. Хар куни мева оморни бўлинмаси сифмининг 10-15% қисми олма билан тўлдирилади. Бўлинма 7-10 кун деганда бутунлай тўлдирилади. Бўлинмаларда ҳаво аста-секин совутилиб +4+6 °C га етказилади. Кейин эса, нав учун керакли бўлган ҳарорат даражасида қолдирилади.

Олий ва биринчи навли олмалар узоқ муддатга, иккинчи ва учинчи навли олмалар 2-3 ой сақлашга қўйилади. Улар яшиқ, картон кути ва контейнерларда сақланади. Меваларни контейнерларда сақлаш оморнинг хар бир куб метр фойдали хажмидан самарали фойдаланишни таъминлайди. Бунда 1м³ фойдали хажмда мевалар яшиқларда сақланганда унинг зичлиги 250-300 килограмми, контейнерларда 400 килограмми ташкил қилади.

Олмани сақлашда уларни полиэтилен плёнкаларга жойлаштириб сақлаш усули ҳам қўлланилади. Бунда сифими 1-3 килограмм полиэтилен халтачалардан фойдаланилади. Бундай халтачалар ичида 1,5-2 ой ичида кислороднинг миқдори 14-16 % га, карбонат ангидрид эса, 5-7% га етади.

Нок мевасини сақлаш.

Нокнинг сақлашга чидамли навларини 4-5 ой, кузги навларини эса 1,5-2 ой сақласа бўлади. Нок олмага нисбатан тез уриниб қолади, шу сабабли уни узишда ва яшиқларга жойлашда эҳтиёткорлик билан ишлаш талаб қилинади.

Нок одатда пишиб етилиш олдидан узилиб, тоза ва қуруқ яшиқларга жойлаштирилади. Яшиқлар тагига қоғоз ёйиб

қўйилади, қоғознинг иккинчи учи нокнинг устига ёпилади. Нокни шахмат усулида жойлаштириб, қатор орасига қиринди сеписи ҳам мумкин.

Нокни сақлашда ҳарорат 0 дан +2°C гача бўлиши мақбул ҳисобланади. Кўпинча бу ҳароратда ўта кечпишар навлардан терилган мевалар жуда секин етилади ва сақлаш муддатининг охиригача рангини йўқотмай қаттиқ ҳолда бўлади. Бундай нокларни савдога жўнатишдан аввал 4-7 кун давомида 15-20 °C да сақлаб, етилтириш лозим.

Оморда ҳавонинг нисбий намлиги 85-90 % бўлиши керак. Шунга эътибор бериш керакки, оморда ҳаво ҳароратининг тез-тез ўзгариб туришига йўл қуймаслик лозим, акс ҳолда мевалар тез етилиб қолиши мумкин, бундай нокни узоқ вақт сақлаб бўлмайди.

Беҳи мевасини сақлаш.

Беҳи ҳам сақлаш учун яшиқларга жойлаштирилади. Беҳи яшиқларга жойлаштирилганда уларнинг орасига ҳам қоғоз ёки қиринди солинса бўлади. Беҳини сақлашда ҳавонинг нисбий намлиги 85-90 %, ҳарорат 0+4°C гача бўлиши мақбул ҳисобланади.

Беҳи мевасини сақлашда барча талаб нормаларига риоя қилинса, меваларни 5-6 ойгача сақлаш мумкин бўлади.

Узум ҳосилини сақлаш усуллари.

Узум сақлашининг қадимги усули:

Ота-боболаримиз қадим замонлардан буён етиштирилган узум ҳосилини сақлаш ва киш фаслида истеъмол қилиш бўйича об-ҳаво табиий ўзгаришларига асосланган ҳолда иш олиб борганлар.



Узум ҳосилини сақлаш учун махсус оморлардан фойдаланилган. Совуқ кучайиб кетганда дераза тирқишлари пахтали қўрпача билан ёпиб қўйилган, исиб кетганида эса, очиб қўйилган. Шу жумладан, вақти-вақти билан очиб, шамоллатиб турилган. Бу билан сақлаш оморни ичкарасида доимо тоза ҳаво алмашиб туриши назоратга олинган.

Сақлаш учун етилиб пишган ва бақувват бандли узум бошлари танлаб олинган ва улар тўп-тўп, зич қилиб боғланиб чилвир ипларга тизилиб шифтга осиб чиқилган. Бу ҳолат бозор учун бўлса, баъзи дехқонлар ўз оиласи учун тоқнинг кесиладиган шохларини ўз узуми билан кесиб ёхуд узумнинг кесиб олинган зангларига боғлаб ҳам осиб чиқилган.



Оморнинг совиб кетганлиги ва ҳонанинг ҳарорати 0°C дан тушиб кетганлигини ўз вақтида сезиб қолиш учун киш кунлари хонага бир пиёлада сув тўлдириб қўйилган. Пиёладаги сув музласа



ҳонани иситиш чоралари қўрилган. Шунингдек, тоғораларда ҳам сувлар қўйилган. Бу чора ҳаво исиб, намлик камайиб кетган кунлари қўрилган.

Узлуксиз туманли ва давомли ёмғирли кунларда эса, намлик миқдорини камайитириш учун оҳак тошларини бутунлигича қўйиб чиқилган. Оҳак тоши ўзига ортиқча намликни тортиб олиб, ёрилиб ва титилиб кетган.

Қўлланилаётган энг сўнги усул:

Бу усулда узум тоқдан узилмайди. Одатда тоқзорнинг атрофи девор билан ўралган бўлади ва ҳаво қилиб айланиб туриши учун девор ўрталаридан эшик (туйнук) қўйилади. Ҳаво исиб кетган кунлари ёки кундузлари туйнуқлар очиб қўйилади, совиб кетганда ёки тунлари ёпиб қўйилади. Бу усул учун одатда, сўриток девор бўйи қилиб тортилган бўлади. Ҳаво ҳарорати +5°C дан пасая бошлаб сўриток тепасидан полиэтилен плёнкаси тортилади. Ҳавонинг янада совиб борганида эса плёнка тепасидан хашак ва поя боғлари ташлаб қўйилади. Шунингдек, тоқзорнинг айрим жойларига электр лампочкалар ёқиб қўйиш ва иситкичлар ўрнатиб, умумий ҳароратни 0°C атрофида ушлаб турилиши таъминланади. Бундай ҳолатда, албатта, узум ўз бандида узоқ сақланади, лекин узум зангининг чарчаб, келгуси йили ҳосил бермаслигига олиб келади. Миришкорлар бунинг ҳам бир оз йўлини топгандайлар. Бунинг учун уч ҳосилдор новданинг биридаги узум бошлари бутунлай узиб олиниб келгуси йилга қўйиб қўйилади, чарчаган новдалар эса баҳорда кесиб ташланади.

Ҳозирги оммалашган усул:

Кичик тахта яшиқлар тагига газета қоғози ёзилиб, уларга узум бошлари зич ҳолда терилади. Сақлаш учун албатта йирик донали ва меваси тоза ҳамда яхши пишиб етилган узум бошлари танлаб олинади. Улар зич ҳолда терилганида узум таркибидаги намлик узоқ сақланади. Бу эса унинг дастлабки вазни ҳолатининг узоқ ва сифатли сақланишига ҳам сабаб бўлади.

Сақлаш максатида узиладиган ҳосил одатда, кузнинг об-ҳаво ҳарорати +20°C дан пастлаган ойларида йиғилади. Қишда сақлашга мўлжалланган узум бошларига мева пиша бошлаган, яъни халқ тили билан айтганда, сув қира бошлаган август ойининг бошларида уларнинг хар бирининг тепасидан қоғозни қарнай қилиб ўраб чиқилади. Бу билан ёғилажак ёмғир ва тонгги шудринг наmidан эҳтиёт қилиниб, меванинг табиий чанггини сақлаб қолишга эришилади. Унинг табиий чанги, яъни ўзига хос табиий пардаси узумнинг узоқ ва сифатли сақланишини таъминлайди.

Узум яшиқларга терилиб, оморга тахлаб қўйилгач, бир боғ қуруқ исирикка бир чой қошиқда олтингургуртни тутатиб қўйилади ва бу жараён хар ойда бир такрорланиб туради. Бундан мақсад ёрилган узум доналари ёки қорайиб чиришига сабаб бўлган бактерияларни ўлдириб, майизга айлантириб, қотириб қўйишдир. Бу жараённинг бошқа мева доначаларига

таъсири бўлмайди.

